

## А Ж Р И М

/ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида/

2022 йил 23 ноябрь куни Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Раислик қилувчи судья М.Бобоев, судья ёрдамчиси Б.Носировнинг котиблигида, тарафлардан, Давлат айбловчиси – Бухоро шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш.Исмоилов, гумон қилинувчи З.Таиров ҳамда жабрланувчи З.Фозилованинг иштирокида,

**Таиров Зоир Собирович**/Tairov Zoir Sobirovich/ 1986 йил 01 сентябрь куни Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро шаҳар Адолат кўчаси 41-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчига оид №1-2001-2205/666-сонли жиноят иши хужжатларини кўриб чиқиб қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов хужжатларига кўра, Таиров Зоир Собирович 2022 йил 30 август куни соат 16:10 ларда Бухоро шаҳар Янгиобод кўчасида жойлашган гўзаллик салонининг ичкарасида турмуш ўртоғи Фозилова Зебинисо Ихтиёровна билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик натижасида ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида уни қўллари билан қасддан уриб, унга Суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Бухоро филиалининг №970-сонли экспертиза хулосасига кўра соғлигининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказган.

Гумон қилинувчи Таиров Зоир Собирович судда, ўз кўрсатувида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2022 йил 30 август куни соат 16:10 ларда Бухоро шаҳар Янгиобод кўчасида жойлашган гўзаллик салонининг ичкарасида турмуш ўртоғи Фозилова Зебинисо Ихтиёровна билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик натижасида ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида уни қўллари билан қасддан урганлигини, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир қилган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи турмуш ўртоғи З.Фозилова билан ихтиёрий равишда ярашганлигини, унга ярашув оқибатлари тушунтирилганлигини, жабрланувчи З.Фозилованинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга тааллуқли бўлган жиноят ишини жабрланувчи



З.Фозилова билан ярашганлиги учун ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Фозилова Зебинисо Ихтиёровна судда, ўз кўрсатувида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 30 август куни соат 16:10 ларда Бухоро шаҳар Янгиобод кўчасида жойлашган гўзаллик салонининг ичкарасида турмуш ўртоғи Таиров Зоир Собирович билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик натижасида ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида уни қўллари билан қасддан урганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирор бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар тушунтирилганлигини, З.Тоиров ундан кечирим сўраганлигини ва у З.Тоиров билан ихтиёрий равишда ярашганлигини унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, З.Тоиров билан ярашганлиги учун гумон қилинувчи З.Тоировга нисбатан жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши билан бирга ўрганиб, тарафлар фикрини эшитиб, гумон қилинувчи З.Тоировнинг айбига ихтиёрий иқдорлигини, З.Фозированинг ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирор бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув жабрланувчи ва гумон қилинувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, З.Тоировга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи З.Фозиловага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб суд ажрим қилади;

#### **А Ж Р И М :**

**Таиров Зоир Собирович**/Tairov Zoir Sobirovich/га нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисми



билан жиноят иши Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-моддасига асосан томонларнинг ярашуви асосида тугатилсин ва З.Тоиров жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Иш бўйича жабрланувчи З.Фазилованинг З.Тоировга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи З.Фозиловага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда мазкур суд орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация инстанциясига кассация тартибида хусусий шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**М.Бобоев**

